

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

3-2020

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

М.Ҳайдаров Ўзбекистон ССРдаги ижтимоий муаммолар: ишчилар норозилигининг сабаблари ва моҳияти.....	101
Т.Ахмедов Фуқаролар фаоллигини оширишда телевидениенинг ўрни.....	106
Ғ.Раҳмонов Мустақиллик йиллари Ўзбекистон сув ҳўжалиги тизимида амалга оширилган ислохотлар ва уларнинг натижалари.....	110
С.Ахмедов Абдураззоқ Самарқандийнинг “Матлаи саъдайн ва Мажмаи баҳрайн” асари темурийлар давридаги маданий-маърифий жараёнлар тавсифи бўйича қимматли манба сифатида.....	115
Р.Расулова Туркистонга татар “сафарбарлик”лари хусусида	121

АДАБИЁТШУНОСЛИК

А.Сабирдинов, Д.Муратова Ўзбек-корейс халқ оғзаки ижодида оила ва оилавий қадриятлар масаласи	126
Э.Жабборов Ўзбек миллий адабиётида маърифатпарварлик қарашларнинг такомиллашуви.....	131
Б. Абдураҳмонова “Қутадғу билиг” асарининг вазн хусусиятларини ўргатиш.....	138

ТИЛШУНОСЛИК

Ғ.Хошимов, Н.Комилова Турли тизимли тилларда “Гендер” концепти ва уни воқелантирувчи воситалар майдонининг қиёсий тадқиқи	144
Н. Умарова Навоийнинг “Садди Искандарий” достонида “Олтин” концептининг фрейм структураси.....	149
Г.Розиқова “Девону луғотит турк”да сўз маъносининг метонимия асосида кўчиши.....	155
А.Базарбаева Инглиз тили дарсликларида машқлар тақдимотининг назарий асослари	160
Д.Рахматуллаева Шарқ мутафаккирларининг ғоялари ва “Илм-маърифат” семемали бирликлар.....	164
Б.Баҳриддинова Замонавий ўқув луғатларининг таркибий тузилмаси хусусида.....	167
Н.Суярова Оламнинг лисоний тасвири ва “Белги” денотатив семали метафораларнинг шаклланиши	172
Б.Сулаймонов «Теорема» романининг лексикографик тадқиқи.....	176

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

Ф.Тошпўлатова Чет тилини ўрганиш учун ўқув материалларини танлаш ва ишлаб чиқиш тамойиллари	180
Г.Саидова Бошланғич синфларда инновацион технологияларни қўллашнинг шакл ва воситалари	184

ИЛМИЙ АХБОРОТ

Л.В.Гормонов, Б.З.Зарипов, А.А.Грудков, В.А.Каримов Физиологик шароитларда каламушларнинг ингичка ичагида озуқа

УДК: 626.8+004.69

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИ ЎЗБЕКИСТОН СУВ ХЎЖАЛИГИ ТИЗИМИДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИСЛОҲОТЛАР ВА УЛАРНИНГ НАТИЖАЛАРИ**РЕФОРМЫ В СИСТЕМЕ ВОДНОГО ХОЗЯЙСТВА УЗБЕКИСТАНА В ГОДЫ НЕЗАВИСИМОСТИ И ИХ РЕЗУЛЬТАТЫ****REFORMS IN THE WATER MANAGEMENT SYSTEM OF UZBEKISTAN AND ITS RESULTS DURING THE YEARS OF INDEPENDENCE****Ғ.Раҳмонов¹****¹ Ғ.Раҳмонов**

ФарДУ, фуқаролик жамияти кафедраси ўқитувчиси.

Аннотация

Мақолада истиқлол йилларида Ўзбекистон ирригация тизимининг модернизация қилинишига катта эътибор қаратилиши, соҳанинг замонавий жиҳозлар ва асбоб-ускуналар билан таъминланиши, сув ресурсларининг муҳофаза қилиниши, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати, гидротехник иншоотларнинг реконструкция қилиниши, таъмирланиши ҳамда соҳага капитал маблағлар сарфлашнинг йилдан-йилга ортиб бориши ҳақидаги масалалар таҳлил қилинган.

Аннотация

В статье анализируются вопросы модернизации ирригационной системы Узбекистана в годы независимости, обеспечения отрасли современным оборудованием, охраны водных ресурсов, мелиоративного состояния орошаемых земель, реконструкции, ремонта гидротехнических сооружений и увеличения из года в год капитальных вложений в водное хозяйство республики.

Annotation

The article analyzes the issues of significant attention to the modernization of the irrigation system of Uzbekistan over the years of independence, providing the field with modern equipment, protecting water resources, reclamation of irrigated lands, reconstruction, repair of hydraulic structures and increasing capital investments from year to year.

Таянч сўз ва иборалар: ирригация, сув танқислиги, томчилатиб суғориш, мелиорация, модернизация, кредит, суғориш канали, реконструкция, гидротехник иншоот.

Ключевые слова и выражения: ирригация, дефицит воды, капельное орошение, мелиорация, модернизация, кредит, оросительный канал, реконструкция, гидротехническое сооружение.

Keywords and expressions: irrigation, water shortage, drip irrigation, reclamation, modernization, credit, irrigation canal, reconstruction, hydraulic engineering.

Истиқлол йиллари республика раҳбарияти томонидан сув ресурсларидан оқилонга фойдаланиш ва муҳофаза қилиш масалаларига давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бири сифатида эътибор қаратилди. Чунки қишлоқ хўжалиги иқтисодиётнинг муҳим тармоқларидан бири ҳисобланиб, аксар ерлар суғорма деҳқончиликка асосланган. Соҳани тараққий эттириш, унинг самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинган Фармон, қарорлар ҳамда шулар асосида амалга оширилаётган ишлар ҳам фикримизнинг яққол исботидир.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январь куни Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида энг муҳим соҳалар қаторида сув хўжалигини ривожлантиришни янги босқичга олиб чиқиш, қишлоқ хўжалигида тежамкор

суғориш технологияларини кенг жорий этиш, сув ресурсларини назорат қилиш ва унинг ҳисобини юритиш тизимини автоматлаштириш каби қатор долзарб вазифалар белгилаб берилди. Хусусан, мазкур Мурожаатномада “2020 йилда 44 минг гектар ерда ёки ўтган йилга нисбатан қарийб 4 баробар кўп майдонда сувни тежайдиган технологияларни жорий этишимиз. Бунинг учун давлат бюджетидан 300 миллиард сўм субсидия ажратилади. Шунингдек, сув хўжалиги объектларини бошқариш жараёнларини, сувни назорат қилиш ва унинг ҳисобини юритиш тизимини автоматлаштириш зарур. Ушбу масалалар Сув хўжалигини ривожлантириш концепциясида ўз аксини топиши керак. Вазирлар Маҳкамаси жорий йил 1 апрелга қадар ана шу концепция лойиҳасини тасдиқлаш учун киритсин” [1] дея алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг барча соҳаларда бўлгани каби сув хўжалиги

тизимда ҳам муҳим ислохотлар ва бир қатор тадбирлар амалга оширилди. Бугунги кунда республика суғориш тизимида сув ресурсларидан оқилона ва тежамли усулда фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилиб, соҳадаги модернизация жараёнлари йилдан-йилга аста-секин такомиллаштирилмоқда. Айнан шу даврда тизимни тараққий эттириш ва уни ҳуқуқий жиҳатдан кафолатлаш мақсадида бир қанча қонунлар ишлаб чиқилди ва улар ҳаётга татбиқ этилди. Хусусан, 1993 йил 6 майда қабул қилинган «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонун сув ресурсларидан оқилона фойдаланишга бағишланган. Хусусан, унинг 111-моддасида: «Сувдан комплекс фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишнинг бош ва ҳавза жадваллари аҳолининг ва иқтисодиёт тармоқларининг сувга бўлган истиқболдаги эҳтиёжларини қондириш учун, шунингдек, сувни муҳофаза қилиш ва сув етказадиган зарарли таъсирларнинг олдини олиш учун амалга оширилиши лозим бўлган асосий сув ҳўжалиги тадбирларини ва бошқа тадбирларни белгилаб беради»[2,45]. Айни ислохотлар жараёни амал қилаётган пайтда мамлакатни ривожлантириш бўйича алоҳида дастур ишлаб чиқилган бўлиб, у биринчи навбатда республикада истиқомат қилиб келаётган келажак авлодни табиий ресурслар имконияти ҳамда атроф муҳитнинг маъқул мувозанатини сақлаш, уларнинг талабларини ҳамда эҳтиёжларини қондириш мақсадида ижтимоий - иқтисодий масалаларни муваффақиятли ҳал қилишга замин яратади.

Маълумки, сув ресурсларини муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий самарадорлигини оширишни таъминлаш кўп жиҳатдан мазкур ишни амалга оширишнинг ҳуқуқий асосига, жумладан, Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг бу масалага жиддий эътибор қаратила бошланганлигини алоҳида эътироф этиш лозим. Жумладан, табиатни ва сув ресурсларини муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асосини яратишга ва шу соҳага доир қонунларни такомиллаштиришга катта эътибор қаратилди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг бевосита 2 та моддаси айнан шу масалага бағишланган. Масалан, Асосий Қонуннинг 50-моддасида: «Фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар»[3,10] ҳамда унинг 55-моддасида: «Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойлиқдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир»[3,11] дея, таъкидланган. Айнан Конституцияга мувофиқ равишда бир қатор қонунлар ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилди. Хусусан, «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги ҳамда «Табиатни

муҳофаза қилиш» тўғрисидаги қонунлар бевосита табиат ва сув ресурсларини муҳофаза қилишга йўналтирилган. Бинобарин, «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонунда сув ресурсларини муҳофаза қилиш масаласига урғу берилган бўлиб, қонуннинг бевосита ўн тўққизинчи бобида оқинди сувларни оқизиш учун сув объектларидан фойдаланиш масаласи келтирилган, яъни унинг 73-моддасида: «Оқинди сувларни оқизиш учун сув объектларидан фойдаланишга рухсат берувчи идоралар, саноат, коммунал-маиший, зовур сувларини ва бошқа оқинди сувларни оқизиш учун сув объектларидан фойдаланиш қонунларига мос ҳамда табиатни муҳофаза қилиш, сув ҳўжалиги органларининг давлат санитария назорати, қонунчилик назорати давлат органлари геология ва минерал ресурслар органлари билан келишиб, берган рухсатига биноан йўл қўйилиши мумкин»[2,39].

2017 йил 20 апрелдаги Ўзбекистон Президентининг «2017-2021 йилларда ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимларини комплекс ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш дастури тўғрисида»[4]ги қарорида юқорида кўрсатилган йиллар мобайнида ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимида муҳим ўзгаришларни амалга ошириш ҳамда бу соҳада модернизациялашни йўлга қўйиш, сув таъминоти соҳасига тегишли ахборот технологияларини татбиқ этиш мақсади белгиланди. Шунингдек, мазкур қарорда кейинги олти йилнинг ўзида 13 минг км.га яқин бўлган муҳим сув қувурлари ва водопровод тармоқлари, 1,6 мингтадан кўпроқ сув чиқариш қудуқлари, 1,4 мингта сув ресурслари босимини ҳосил қиладиган янги минора ва резервуарлар қурилди ҳамда реконструкция қилиниши йўлга қўйилди. Натижада, халқаро молия ташкилотларининг тегишли грантлари ва мақсадли кредитларини жалб этиш ҳисобига, ичимлик суви билан таъминланмаган кўпгина аҳоли пунктлари сифати ва хавфсизлиги бўйича замонавий талабларга мос келадиган сув билан таъминланди. Айрим минтақаларни, энг аввало, Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Сурхондарё, Сирдарё ва Хоразм вилоятларини сифатли ичимлик суви билан таъминлашнинг бир қанча ечилмаган муаммолари ҳамон сақланиб қолганлиги ҳам қарорда эътироф этилди.

Айнан шу йилнинг 4 май кунда Республика Президентининг «2017-2021 йилларда ер ости сувлари захираларидан оқилона фойдаланишни назорат қилиш ва ҳисобга олишни тартибга солиш чоратадбирлари тўғрисида»[5]ги қарори қабул қилиниб, унда асосий диққат-эътибор бевосита табиий сув ресурсларидан тежамли усулда

фойдаланиш, сарфланаётган сув ресурслари ҳажмини тегишли тарзда ҳисобга олишни йўлга қўйиш, уларнинг ифлосланиши ва тақчиллигининг олдини олиш ва ҳимоя қилишга қаратилди. Қисқа ўтган даврда республиканинг аксарият камсувли минтақаларида маҳаллий аҳолини тоза марказлашган ичимлик суви билан таъминлаш бўйича сезиларли ишлар қилинди. Хусусан, айнан ҳозирги пайтда республикадаги 69 та йирик шаҳар, 335 та махсус посёлка ҳамда 2903 та қишлоқ аҳолиси кундалик эҳтиёжлари асосан мавжуд ерости сувлари захиралари ҳисобидан қопланмоқда. Ушбу қарорда баъзи ҳудудлардаги ерусти сув захираларини чиқариш тармоқлари ҳамда кўплаб дренажларнинг ишламаслиги ва ишлайдиган дренаж тармоқларининг қониқарсиз ҳолатда эканлиги, ерости сизот сувлари сатҳининг интенсив равишда кўтарилиши, шунингдек, бу ерда режали равишда махсус гидрогеологик текшириш олиб борилмаганлиги натижасида кўплаб шаҳарлар ва бошқа аҳоли турар-жойларида ерости сизот сувлари сатҳининг кўтарилиши кузатилгани, унинг салбий жиҳатлари таъкидлаб ўтилди. Ушбу қарор матнида шу билан бир қаторда кейинги 40-50 йил давомида саноат соҳаси ва қишлоқ хўжалигининг жадал суръатларда тараққий этиши асосан ерости сув захираларининг табиий ҳолатига жиддий таъсир қилгани ва бу ҳолат ўз навбатида сув иншоотларининг рухсат олмасдан қурилиши ва унинг назоратсиз қолиши оқибатида бу захираларнинг деярли 35 %га қисқариб боргани ҳамда айрим манбаларда сув захираларининг тугаши кузатилгани далиллар билан таҳлил қилинди.

Республика Президентининг 2018 йил 17 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»[6] ги қароридан мамлакат сув хўжалиги модернизацияси бўйича махсус «Йўл харитаси» ишлаб чиқилди ва унда тизимни ҳуқуқий-норматив меъёрлар ёрдамида тартибга солишни амалга ошириш, сув ресурсларидан рационал равишда фойдаланиш бўйича истиқболли ва муҳим аҳамиятга эга бўлган ташкилий тадбирлар дастурини яратиш, йирик сув омборлари ва тўғонлар, муҳим стратегик аҳамиятга молик бўлган гидротехника иншоотлари ҳамда бошқа сув иншоотларини барпо этиш, қайта жиҳозлаш бўйича тадбирларни шакллантириш, маҳаллий аҳолининг табиий сув манбаларидан мақсадли фойдаланиш бўйича уларнинг ҳуқуқий онги ҳамда ҳуқуқий маданиятини кучайтиришга қаратилган турли мазмундаги чора-тадбирларни жадаллаштириш, сув ресурсларини бошқаришга йўналтирилган ягона сиёсатни юритиш,

тажрибали кадрларни танлаш ва уларни жой-жойига қўйиш мақсадида муҳим тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш, халқаро нуфузли ташкилотлар ва хорижий давлатларнинг сув хўжалиги ташкилотлари, биринчи навбатда эса ҳудудидан Амударё ва Сирдарё ўтган давлатлар билан глобал характердаги Орол денгизи бўйича сув ресурсларидан фойдаланиш бўйича истиқболли аҳамиятга молик ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш ишлари алоҳида таҳлил этилди.

Юқоридаги қарорга асосан вазирлик тизимига бугунги кунда бир қанча ташкилотлар, хусусан, 280 та бюджет, 72 та хўжалик ҳисобидан фаолият олиб борувчи ташкилотлар бириктирилган бўлиб, уларда қарийб мазкур соҳага доир 40 минг нафар тажрибали мутахассис фаолият кўрсатиб келмоқда. Уларнинг 7400 нафари суғориш тармоғига доир олий маълумотли мутахассис, 18256 нафари эса ўрта-махсус маълумотга эга кадр, 14267 нафари эса ўрта маълумотга эга бўлган ходимдан иборатдир. Шу билан бирга, республикада сув хўжалигига кадрлар тайёрлаш, асосан, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти томонидан бажариб келинмоқда. Шу боис ушбу вазирлик билан институт ўртасида тузилган истиқболли шартномага кўра, институт талабаларининг танишув ҳамда ишлаб-чиқариш амалиётларини тизимга бириктирилган ташкилот ва корхоналарда амалга ошириш кўзда тутилган. Қолаверса, ирригация соҳасини етук ва малакали кадрлар билан таъминлашда Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ҳамда унинг Бухоро филиалининг охириги уч йилда тугатган битирувчи талабаларнинг маълумотлар базасининг шакллантирилганлиги бугунги кунда катта самара берди. Айнан ушбу ҳамкорлик натижасида 300 нафарга яқин ёш мутахассис суғориш тизимига жалб қилинди. 2019 йилда институтни давлат гранти асосида 200 нафардан ортиқ талаба битирди ва улар Республика Сув хўжалиги вазирлигининг йўлланмаси асосида тизим ташкилотларига ишга юборилди. Аҳоли истиқомат қиладиган ҳудудлардан анча узоқда жойлашган объектларга ишга юборилганлар эса жой ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан доимий равишда таъминланди.

Мамлакатда босқичма-босқич тарзда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларни халқ манфаатлари йўлида изчил давом эттириш мақсадида 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йилида амалга оширишга оид Давлат дастури лойиҳаси кенг

жамоатчилик иштирокида атрофлича муҳокама қилинган ҳолда тайёрланди. Муҳокамалар жараёнида халқимиз, фуқаролик жамияти институтлари фаоллик кўрсатиб, теле-радиоканаллар орқали тўғридан-тўғри эфирда улар билан бевосита мингдан ортиқ мулоқот ташкил этилди, фуқароларимиз томонидан билдирилган таклиф-тавсиялар тегишли соҳа мутахассислари ва эксперт гуруҳлари иштирокида чуқур таҳлил қилинди. Улар асосида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Марказий банкга Сув хўжалигини ривожлантириш концепциялари, Қишлоқ хўжалигида рақамли технологияларни кенг жорий этиш бўйича амалий чора-тадбирлар дастурининг ишлаб чиқиши таъминлаш вазифалари топширилди. Шу билан бир қаторда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ушбу йўналишда белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида бажарилишини, шу жумладан, "Сув таъминоти ва оқова хизматлар тўғрисида"ги қонун лойиҳасининг ишлаб чиқиши таъминлаш масаласи юқлатилди.

Сув хўжалиги вазирлиги томонидан Мурожаатномада илгари сурилган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида қатор халқаро ташкилотлар экспертларини жалб этган ҳолда 2020-2030 йилларда сув хўжалигини ривожлантириш Концепцияси ишлаб чиқилди. Ушбу Концепцияни тасдиқлаш ҳақида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони лойиҳаси тайёрланиб, жорий йилнинг 14 февраль куни Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар муҳокамаси портали (regulation.gov.uz) ҳамда Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасини ишлаб чиқиш ва келишишнинг ягона электрон тизими (project.gov.uz)га умумхалқ муҳокамаси учун жойлаштирилгани ҳам сув таъминотини яхшилаш, шу мақсадда сув тежайдиган технологияларни жорий этиш, сув хўжалиги объектларини бошқариш жараёнларини ҳамда сувни назорат қилиш ва унинг ҳисобини юритиш тизимини автоматлаштириш билан боғлиқ масалаларнинг долзарб аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради. Концепцияда мамлакатимизда аҳоли ва иқтисодиётнинг барча соҳаларини сув билан барқарор ва кафолатли таъминлаш, ирригацияни ривожлантириш, сув хўжалиги инфратузилмасини ва суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, сув ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланиш, соҳанинг инновацион салоҳиятини юксалтириш, илм-фан ютуқлари, тежамкор суғориш технологияларини жорий қилиш ҳамда замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва инновацион ечимлардан кенг фойдаланиш борасида энг муҳим вазифалар

белгилаб берилмоқда. Қуйидаги вазифалар мазкур Концепцияни амалга оширишнинг устувор йўналишлари сифатида белгиланди:

- барча ер усти, ер ости ва қайтар сувларни интеграллашган ҳолда бошқариш тамойилларини кенг жорий қилиш орқали иқтисодиётнинг барча тармоқларини ўрта ва узоқ келажакда сув билан барқарор ва кафолатли таъминлаш, шунингдек, сувдан самарали ва оқилона фойдаланиш, унинг сифати ва хавфсизлигини таъминлаш;

- замонавий сув тежовчи суғориш технологияларидан фойдаланиш кўламини янада кенгайтириш ва сувдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, сувни тежаш усуллари ва технологияларини жорий этган қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш тизимини янада ривожлантириш;

- сув омборлари, гидроузеллар, канал ва коллекторлар, насос станциялари ва бошқа сув хўжалиги иншоотларини ишчи ҳолатда сақлаш, уларни модернизация қилиш ва техник хавфсизлигини таъминлаш ҳамда суғориш тизимларида сув йўқотилишини камайтиришга қаратилган дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, энергия тежовчи ва энергия самарадор технологияларни кенг жорий этиш;

- суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш орқали уларнинг унумдорлигини ошириш, сизот сувларини мақбул сатҳларда сақлаб туриш, тупроқ шўрланишига қарши курашишнинг самарали усулларини жорий этиш;

- сув хўжалигида бозор тамойилларини жорий этиш, давлат-хусусий шерикчилик механизмларини ва аутсорсингни жорий этиш ҳамда хорижий инвестицияларнинг салмоғини кўпайтириш ҳисобига сув хўжалигининг молиявий барқарорлигини ошириш;

- сув хўжалигини бошқариш тизимини мақбуллаштириш, республика сув ресурсларини бошқариш ва сув етказиб бериш хизматларини кўрсатиш бўйича фаолият юритаётган давлат органларининг функциялари, вазифалари ва ваколатларини аниқлаштириш ва қайта тақсимлаш бўйича тавсияларни халқаро услубларга мувофиқ равишда ишлаб чиқиш ва жорий этиш орқали сув хўжалигини давлат томонидан бошқариш тизимини такомиллаштириш;

- трансегаравий сув ресурсларидан фойдаланиш масалалари бўйича давлатлараро муносабатларни ривожлантириш, Марказий Осиё мамлакатлари манфаатлари ўртасидаги мувозанатни таъминлайдиган минтақанинг трансегаравий сув ресурсларини биргаликда бошқаришнинг ўзаро мақбул механизмларини ишлаб чиқиш ва илгари суриш;

- сув ресурсларини бошқаришда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, сув хўжалиги объектларини бошқариш жараёнларини, сувни назорат қилиш ва унинг ҳисобини юритиш тизимини автоматлаштириш;

- сув хўжалиги соҳасига кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш, сув хўжалигида илмий ва инновацион салоҳиятни ривожлантириш, илм-фан ютуқлари ва ноу-хауларни жорий қилиш, соҳада лойиҳалаштириш ишларига халқаро стандартларни жорий этиш.

Амалга оширилаётган ислохотлардан бугунги кунда сув хўжалиги соҳасида олиб борилаётган ишлар самарадорлигини таъминлаш, сув ресурсларини бошқариш соҳасида халқаро алоқаларни кенгайтириш ва мустақамлаш, 2020-2030 йилларда сув хўжалигини ривожлантириш концепциясини ўз вақтида ва сифатли ишлаб чиқиш, сув хўжалиги соҳасидаги истиқболли лойиҳаларни амалга

ошириш учун хорижий инвестициялар, қарзлар ва грантлар жалб қилишни кенгайтириш орқали сув хўжалиги объектларини қуриш, реконструкция ва модернизация қилиш борасида ислохотларнинг истиқболда ҳам босқичма-босқич олиб борилиши кўзда тутилган.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Ўзбекистонда суғориш тизимини модернизация қилиш борасида сезиларли ишлар ва муҳим тадбирлар амалга оширилди. Тизимни модернизация қилиш мақсадида унга катта ҳажмда капитал маблағлар сарфланди ва бу кўрсаткич йилдан-йилга ортиб борди. Бунинг натижасида ирригация-мелиорация соҳалари замонавий асбоб-ускуналар, жиҳозлар билан таъминланди. Истиқлол йилларида республикадаги экин майдонларининг сув таъминотини янада яхшилаш, ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, соҳани ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини ошириш борасида ҳам қатор амалий ишлар бажарилди.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 йил 24 январь. www.prezident.uz.
2. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами.-Т.: Адолат, 2009. -№52, 555-модда.
3. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.-Т.: Ўзбекистон, 2019 йил.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги «2017-2021 йилларда ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимларини комплекс ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш дастури тўғрисида»ги қарори // Халқ сўзи, 2017 йил 22 апрель.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 4 майдаги «2017-2021 йилларда ер ости сувлари захираларидан оқилона фойдаланишни назорат қилиш ва ҳисобга олишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори // Халқ сўзи, 2017 йил, 6 май.
6. <http://www.lex.uz/docs/3687875>

(Тақризчи: М.Исомиддинов – тарих фанлари доктори, профессор).